

Махсуда Эгамбердиева

БИЗНИНГ ДАРАХТИМИЗ

(Қўғирчоқ театри учун пьеса)

Қатнашувчилар:

- 1. Булбулча***
- 2. Қарға***
- 3. Ҳакка***
- 4. Майна***
- 5. Бола***
- 6. Дарахт кесувчи***
- 7. Табиат қўриқчиси***

ПРОЛОГ

(Парда очилади)

Тонг палласи.

Ялангликда ўсган дарахт чиройли кад кўтариб турибди. Дарахтда майна ва булбулча ини бор.

Узоқда бошқа дарахтлар кўринади. Кўёш нур сочади. Гуллар шабадада тебранади, капалаклар учиб, гулдан гулга кўнади. Осмонда булутлар сузади. Жимлик. Булбулнинг тўлиб-тошиб сайраган овози эшитилади. Дарахт ёнида ариқда сув шилдираб оқяпти. Булбул чиқиб дарахт шохига кўнади. Булбул:

(маҳлиё бўлиб)- Вччу, Вччу! Қандай гўзал тонг! Қандай чиройли гуллар. Гуллар рақсини *яхши кўраман. (гуллар ҳар томонга чайқалади.) Қандай яхши! Куйлайди: атиргулим қатма-қат, очилганиннга раҳмат (2 марта)* Олдингидан анча яхши сайрапман. Раҳмат сенга яшил дарахтим! Раҳмат сенга кенг олам! Мен сизларни яхши кўраман! *(Булбулча дарахт шохига илинган ҳайинчақда учади, дарахт баргларида сирпанади, дўмбалоқ ошади. Шохдан –шохга сакрайди, дарахт ёнидаги ариқдан сув ичади, капалак қувлайди, гулни ҳидлайди, гулни силкитади, “ҳе-ҳе-ҳе” деб овоз чиқаради).*

Булбулча: Мен келажакда зўр сайроқи бўлмоқчиман. Ўз сайроғим билан ҳаммани хушнуд қилмоқчиман. Устозимнинг айтишича, мендан зўр булбул чиқармиш. Сизга ҳам сайраб бераман мана *(Булбул сайраши эшитилади)*

(Парда ётилади)

I парда

(Парда очилади)

Дарахт яшнаб турибди. Дарахт тагида бир бола китоб ўқиб ўтирибди.

Бола *(ўқийди)*: Кунлар совий бошлади. Чодирлар йиғиштирилди. Навоийнинг чодирни устига мусича ин қуриб, бола очган эди. Шу қушнинг болалари нобуд бўлмасин деб, Навоий чодирни йиғишга рухсат бермади. *(Ўйланиб қолади).*

Навоий бобомиз шунақа яхши одам бўлган эканлар. Қандай ажойиб, Кичкина бир қушга раҳм қилибдилар. Мактабимиздаги Эркин эса, қушларга тош отади. Бу жуда ёмон-ку. Ахир ўқитувчимиз ҳам дарсда “Дарахтларни, қушларни, табиатни асраш керак” деган. Улар инсон ҳаёти учун керак,- деган. Қани, энди мен Навоий бобомдек бир иш қилсам. Табиатни асрашга ҳисса қўшсам. Зўр бўларди-да, Эҳ-ҳ-х. *(Парда ётилади)*

II парда

Қарға учиб чиқиб, дарахт шохига кўнади. Тумшуғида дон кўринади. У донни оғзига солади.

Қарға – Вой, мазза, *(Дон озгидан чиқиб, настга тушади. Қарға донга қараб туради.)*

Қарға: Тушиб кетди. Ҳозир ...

Шу пайт Ҳакка учиб чиқиб, ердаги донни тумшуғи билан олади.

Қарға: *(учиб тушади)* Вой, вой, вой!

Менинг донимни олдинг, бер ўзимга!

Ҳакка: Ҳо-о-о-о! Бериб бўпман!

(Қарға Ҳаккани қувлайди. Ҳакка донни олиб қочади. Қарға Ҳаккадан донни олиб қўяди).

Ҳакка – Бер донимни , бер!

Қарға – Бу менинг доним *(иккаласи қаноти билан уришади, бир бирини чўқийди. Қарға донни еб қўяди).*

Ҳакка – Ярамас, донимни еб қўйдинг!

Қарға - Ўзинг ярамас. Ҳа, еб қўйдим. Ўзимнинг доним эди, ерга тушиб кетган эди. Сен олиб қўйган эдинг.

(Уларнинг ёнига Майна учиб келади).

Майна : нимани талашяпсизлар?

Ҳакка : Қарға менинг донимни еб қўйди. Қарға, ҳали кўрасан мендан.

Қарға : Ўзимнинг доним эди. Тўғрими, болалар?

Майна : Битта дон учун бир-бирингизни патингизни юлиш ўрнига, айланиб учиб келсаларинг, бошқа кўп дон топасиз, пашшаларни, чивинларни топасиз, хув анави теракзорда чивинлар гала бўлиб учяпти. Боринглар.

Қарға – Теракзордами?

Майна – Ҳа ўша теракзорда.

Қарға – Ҳакка теракзорга борамизми?

Ҳакка – Сендан хафа бўлдим. Зўравон!

Қарға – Майли Ҳаккажон! Мени кечир!

Ҳакка -*(бир оз тўхтаб)* Ҳа, майли.

Қарға – Юр теракзорга учиб бориб келамиз.

Ҳакка – Юр, бўлмаса.

Майна – Болажонларимни қорнини тўйдирдим.

Энди бир оз учиб, дам оламан. *(Учиб юради)*.

“Вит,вит” Қандай маза. Ҳа, кеча шамолда дарахтимиз роса тебранди, уям бузилиб, болаларим ерга йиқилади деб роса кўрқдим. Хайрият, уям бузилмади. Ие, болажонларим чирқилляптими, нима бўлдийкан?

(Майнанинг уяси томонга Мушук тирмашиб чиқаётган эди).

Майна : Вой, безори Мушук-ку. Вой-дод! Ҳой, Мушук, ҳозир кўзингни ўйиб оламан. У мушук томон учиб, пасаяди.

Мушук: Ҳо-ҳо-ҳо. Кўрқитвординг-ку. Мени “эпчил” деб аташади.

Тушундингми? Сен менинг кўзимни ўйгунингча, мен полапонларингни қийратаман. Ҳайт!

(Майна Мушукнинг кўзига чанг солади. Мушук Майнани ушлаб олишга ҳаракат қилади).

Мушук: яхшиси, ўзингни ейман. Маза қиламан. Войй. Кўзим!

(Мушук кўзини ушлайди. Бир пас тўхтайди. Кейин эпчиллик билан Майнанинг уяси турган шохга сакрайди).

Мушук: Ҳа, аҳмоқ Майна . Менга кучим етади деб ўйляяпсанми? Етмайди. Мен кучлиман.

Майна: Жон, мушукжон. Кел, дўст бўлайлик! Болаларимни емагин! Мен сенга чиройли сайраб бераман. Мана: Вшт, Вшт.

Мушук: Э, сайрашингни бошимга ураманми? Менинг қорним оч.

Майна : Қорнинг очми? Ана қара, ахлатга бир бола пишган гўшт ташлаб кетди. Ўшани еб олгин. Каттагина гўшт.

Мушук: *(Тўхтаб қолади)* Қани?

Майна : Ана, қара. *(Майна узоқни кўрсатади)*

Мушук: Майли ит келиб еб қўймасин, ўша гўштни еб олай. Лекин эртага яна қайтиб келаман.

Майна : Гўшт топиб берганимга раҳматинг шуми?

Мушук: Майли, эртага яна гўшт топиб берарсан, бўлмаса.

Майна: Майли , тополсам, топиб бераман. (*Мушук дарахтдан тушиб нари кетади*).

Хайрият, безори Мушук кетди. Лекин эртага яна келса, болаларимни еб қўйса , нима қиламан? (*У йиғилай бошлади*)- И-и-и, и-и-и (*Уядаги полапонлар ҳам онасининг йиғлаганига чирқиллаб қўшилгани эшитилади. Қарға билан Ҳакка учиб келишади*).

Қарға – сенга нима бўлди, Майнажон?

Ҳакка – Нимага йиғлаяпсан, Майнажон?

Майна- (*йиғлаб*) : Сизлар учиб кетганларингда бу ерга Бароқ мушук келди. У дарахтга чиқиб, болаларимни еб қўймоқчи бўлди. –И-и-и (*йиғлайди*)

Қарға : Нима, Мушук болаларингни емоқчи бўлдими? Ҳа, аблах! Мен шу ерда бўлмабман-да, Шундай адабини берардим, шундай адабини берардим.

Ҳакка :- Қани, ўша Бароқ! Ҳозир мен унга кўрсатиб қўяман!

Майна : Ялиниб, баҳона топиб зўрға кетказиб юбордим.

Қарға – Чўқиб ташлаш керак эди у безорини.

Ҳакка: Кўзини ўйиб олмадингми? Чўқиб ташламадингми?

Майна : Олишдим-у, кучим етмади. У зўравоннинг кучи кўп-да ахир.

Қарға: Уни қандай қилиб кетказиб юбординг?

Майна : Ҳов анави ерда ахлатга бир бола пишган гўшт ташлаганини кўровдим. Ўшани Мушукка шу ердан туриб кўрсатдим. Мушук Олапар келиб, еб қўймасин деб, шошилиб кетди. Эртага яна келмоқчи. (*йиғлайди*) Энди нима қиламан? И-и-и-и.

Ҳакка: Кўркма. Биз бирон чора ўйлаб топамиз. Ҳа-а-а, Топдим. Менинг уямда кичкина кўзгу бор. У кўзгу билан Мушук яқинлашганда унинг кўзини оламан. Оғриғига чидай олмай, қайтиб кетади.

Қарға : Йўқ , бўлмайди. Ахир Мушук булутли кунда ҳам келиши мумкин. Офтоб чикмаган кунда унинг кўзига кўзгуга йиғилган нурни тушириб бўлмайди.

Ҳакка : Ҳа, тўғри.

Майна : Тўғри.

Қарға : Бошқа чора топиш керак. Хўш-хўш-хўш. Ҳа мен бир Олапар деган ит билан дўстман. Ўша Олапарга айтсам, у Мушукни кўрқитиб қўяди. Бароқ бу ерга иккинчи қадам қўймайди.

Ҳакка : Олапар бу гапга кўнармикин?

Қарға : Кўнади. Мушук Олапардан кўрқади. Иккинчи бундай безорилик қилмайди.

Майна : Қанийди-я. Дўстларим, Сизга раҳмат, Кўнглимни кўтардингиз.

Қарға : Аксинча, сенга раҳмат. Бизга озуқа жойини айтиб берганинг учун.

Ҳакка : Раҳмат, Майнажон.

Майна: Арзимамайди. Энди мен ҳам емиш топиш учун учиб бориб келаман.

Полапонларимнинг қорни оч қолди. *(полапонлар чағиллагани эшитилади).*

Ҳозир, болажонларим, ҳозир, Сизларга тезда емиш келтираман.

(Майна учиб кетади. Олапар келади. У дарахтдаги Қарға ва Ҳаккани кўриб, саломлашади).

Олапар: Қарға , яхшимисан? Ҳакка ишлар қалай?

Қарға , Ҳакка: Яхши, яхши. Ўзинг қалайсан?

Олапар: Яхшиман. Шу ердан Бароқ ўтдимиз?

Ҳакка: Бароқ ўтибдигина эмас. У Майнанинг болаларини емоқчи бўлиб, дарахтга чиқибди. Уларни ейишига бир баҳя қолибди. Майна уни зўрға қайтарибди-я.

Олапар: Вой, разил-ей. Ҳали у шу даражада ҳаддидан оишбдимиз? Бу гапни менга айтганингиз яхши бўлди. Ўзи уни бир боппай деб юрган эдим. У мени ҳам писанд қилмаяпти. Кеча хўжайиним ялоғимга солиб берган овқатни ҳам мени чалғитиб, еб, қочиб кетди. Уни излаб тополмаётган эдим.

Қарға: Олапар, сен Бароқни тийиб қўйсанг бўларди. Ахир Майна болаларидан хавотир оляпти. Ваҳимага тушиб қолган.

Олапар: Вой, мен уни шундай кўрқитиб қўяманки, у иккинчи қушларнинг инига яқин йўламайди. Ювошгина бўлиб қолади. Бўпти, яхши қолинглар.

Қарға: Майли, яхши бор, Олапар!

Ҳакка : Яхши бор, Олапар! (*Олапар кетади*)

Қарға : Булбулча кўринмайдими?

Ҳакка : Ҳа-я, Қаерда экан-а?

Қарға : (*Чақиради*) Булбулча-а-а

Ҳакка : Булбул-ча-а-а.

(*Булбулча уясидан чиқиб, шохга қўнади*).

Булбулча : (*хириллаб*) Яхшимисизлар?

Қарға, Ҳакка : Яхшимисан? Нимага кўринмайсан?

Булбулча : Томоғим оғриб, иситмалаб ётибман.

Қарға : Билмабмиз, Тузукмисан?

Ҳакка : Нимага томоғинг оғрийди?

Булбулча : (*хириллаб*) Тоққа учиб бориб, сойдаги муздек сувдан симириб-симириб ичган эдим. Томоғим шишиб кетди, қаттиқ оғриб қолди. Иситмам чиқди.

Қарға : Овозинг хириллаб қоптими?

Булбулча: Ҳа, хирилляпти.

Ҳакка : Овозинг хириллаши ўтиб кетармикан? Ўтиб кетмасачи? Чиройли сайрашингни ҳеч ким эшитмайдими?

Булбулча: Албатта ўтиб кетади.

Қарға : Хириллашинг ўтиб кетмаса яхши бўлар эди?

Ҳакка : Нимага унақа дейсан?

Қарға : Ҳадеб овозини кўз-кўз қилиб, мақтанаверади. Овоз битта Булбулчада борми? Биздаям бир яхши овоз бор-ку.

Булбулча: *(хириллаб)*:Қачон мақтандим?

Қарға : Ҳар куни мақтанасан-ку?

Булбулча: Мақтанмайман. Илхом билан сайрайман . Шу холос.

Қарға : Мақ-та-на-сан.

Булбулча *(хириллаб)*: Сен ҳам мақтанавер.

Қарға : Мақтанаман ҳам. Мана: Қаррр-Қаррр-Қаррр.

Майна: *(уясидан чиқиб)* Нима бўлди ўзи? Қарға, мунча қағиллайсан ? Секинроқ қағилла, Болаларим безовта бўляпти.

Қарға : Нима бўпти қағилласам? Булбулчанинг томоғи оғриб, овози хириллаб қопти, менинг овозим хирилламайди. Болаларинг мазза қилиб эшитсин.

Майна : Айтяпман-ку, овозинг қаттиқ чиқяпти. Майли қағиллагин-у, секинроқ қағилла,*(Уясига кириб кетади)*.

Қарға : Сенлар билан гаплашиб бўлмайди ўзи. Бошқа жойга учиб кетай дейман-у, шу дарахтда яшашга ўрганиб қолганман-да. Дарахт ковагидаги уямни кўзим қиймайди-да.

Булбулча: Мен ҳам шу дарахтга ўрганиб қолганман. Ўрмонзорга келинг, шу ерда яшанг, деб, кўп марта таклиф қилишди. Ўрмонзор ҳам жуда чиройли, лекин бу дарахтнинг ўрнини бошқа ҳеч қайси дарахт боса олмаса керак.

Ҳакка : Мен ҳам шу дарахтимизнинг серсоялиги, япроқларининг шитирлаши, дарахт остидаги ариқчадаги сувнинг шилдирашини севаман. Бошқа жойга кўчгим келмайди.

Булбулча: Ёнимиздаги гулзордаги чиройли хушбўй гуллар, чиройли капалакларни айтмайсизми.

(Қарға ва Ҳакка учиб - қўниб ўйинга тушади. Булбулча сайраб кўради)

Булбулча: Вч, Вч, Э, бўлмаяпти.

II парда .

Қушлар ўз жойларида ўйнашда давом этмоқда. Дарахт ёнига кўлида арраси бор бир одам келиб, дарахтга тикилиб қарайди. У - дарахт кесувчи.

Дарахт кесувчи: Мана ўша Болтавой акам айтган дарахт. Танаси йўғон,

силлиқ экан. Қурт емаган экан. Ўзиям зўр уй жихозлари чиқади-да бундан. Яшавор, аканг қарағай! Ҳм, Нариги дарахтни кесиб, шохларини арралаб, тўплаб, машинага юклагунча роса чарчабман-да. Уйқум ҳам келяпти. Шу дарахтни кесишдан олдин соясида бир мизғиб олсам бўларкан, майлими, болалар?

(дарахт кесувчи аррасини ёнига қўйиб пинакка кетади. Хуррак отгани эшитилади: Хурр-Хурр. Дарахт шохида учиб ўйнаётган Қарға ва Ҳакка учишдан тўхтади.

Қарға, Ҳакка ва Булбулча дарахт кесувчига қараб қолишади.

Қарға : (*хавотирланиб, хаяжонланиб*) Бу одам нима деди? Тўғри эшитдимми?

Ҳакка : (*Пичинг оҳангида*) Нима дер эди? “Дарахтни кесаман”, деди. Ҳа,

“Чарчадим, мизғиб олай, кейин дарахтни кесаман” деди.

Булбулча: (*хўрсиниб*) Бу ерга келишдан олдин бошқа битта дарахтни кесибди. Энди бизнинг дарахтни кесар экан. Ҳа .

Қарға : (*аччикланиб*) ахир бу дарахтда бизнинг уяларимиз бор. Ахир биз бу

дарахтда бахтли яшайпмиз. Уни нимага кесиш керак? Нимага кесиш керак, а, Ҳакка?

Ҳакка : (*алам билан*) Нимага бўларди? Дарахтни кесиб, арралаб, ундан уй жихозлари ясамоқчи экан. Шунинг учун бизнинг дарахтимизни кесмоқчи экан. Тушундингми?

Булбулча: (*ўйланиб*) Ахир “дарахт менга ёқади”, деди-ку, Дарахтимиз унга ёқибди-ку. Ахир шу-у-ундай дарахт кимгадир ёқмаслиги мумкинми?

Қарға : (*пичинг билан*) Ёқиб қолгани учун ҳам кесмоқчи экан-да.

Булбулча: (*ҳаяжон билан*) Ахир дарахтимиз ўзимизга ҳам ёқади. Жуда ёқади. Лекин биз уни кесишни ўйламаймиз-ку. Бу хуррак отиб ухлаётган ёмон одам эса уни кесмоқчи. Ахир дарахтимиз бизнинг биз қушларнинг бошпанамиз. У бизни қуёш тиғидан, ҳар хил безори ҳайвонлардан, безори болалардан асрайди. Ҳа-а-а, шабада эсганда шовиллаб қўнғлимизга ҳузур беради.

(*Майна уясидадан учиб чиқади*)

Майна: Нима бўлди? Бунча чағир-чуғур қиласизлар? Болаларим эндигина ухлади. (У дарахт остида ухлаб ётган дарахт кесувчини кўриб қолади) Бу ким ўзи? Одам шекилли.

Қарға : Ҳа, одам. Лекин ёмон одам.

Майна : Сен нимага уни билмай туриб ёмон деяпсан. Яхши одам бўлса-чи?

Ҳакка : Яхши одам бўлса, дарахтимизни кесмоқчи бўлармиди?

Майна : У дарахтимизни кесмоқчи бўляптими ?

Булбулча : Ҳа , Чарчаб қопти. Ўшан-чун мизғиб оларкан. Уйқудан турганда дарахтимизни кесар эмиш.

Майна : “Вой ахир дарахтни кесса, уям билан бирга полапонларим нобуд бўлади-ку, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Вой, шўрим! Энди нима қиламан”

Қарға: Тўғри, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳакка: Қандай чорамиз бор? Ахир унинг қўлида арраси бор. Ўзи эса онгли мавжудот. Биз унга бас кела олармидик?

Булбулча: Дарахтимизни асраб қолишимиз керак. Ахир у шунча вақт бизни бағрида асраб келяпти. Биз унда бахтиёр яшаяпмиз.

Майна : Мен унинг кўзини чўкиб , кўр қиламан.

Қарға : Мен унинг юзига қанотим билан ураман.

Ҳакка: Йўқ, бўлмайди. У биздан анча кучли. Биз унга бас кела олмаймиз.

Булбулча : Агар арраси бўлмаганда эди, у дарахтимизни кеса олмас эди.

Қарға : Тўғри айтасан , булбулча, Ҳамма гап унинг аррасида, Аррасини йўқ қилиш керак.

Ҳакка: Аррасини йўқ қилдик, дейлик. Эртага у бозордан янги арра сотиб олади. Барибир янги арра олиб келиб, дарахтни кесади.

Майна: Уни қўрқитиб, дарахт кесиш фикридан воз кечишга мажбур қилиш керак.

Қарға : Қандай қилиб.

Майна: Бу ёғини билмайман.

Қарға : Битта йўли бор, Теракзор ортида бир қуриган дарахт кўрган эдим. Ёмон одамнинг аррасини олиб қочиб , ўша қуриган

дарахт тагига олиб бориб ташлаймиз. Қуриган дарахтни кесса, ҳеч ким зарар кўрмайди.

Ҳакка: Тўғри, шундай қилайлик: лекин э-э-э, Ахир арра қанотимизни қирқиб юбориши мумкин.

Майна : Гапинг тўғри,

Ҳакка: Нима қилиш керак?

Майна: Ҳа-а, яхшиси аррани қопга солиб, қопни тишимизда тишлаб, олиб боришимиз керак.

(Дарахт кесувчи уйғониб, кўзини очади.)

Дарахт кесувчи : Қушлар ёмон чуғурлаб, бемалол ухлашга қўймайди-да. Дарахтни кессам, қушлар бошқа дарахтга учиб ўтиб қўя қолади. Бошқа нима ҳам қиларди. Ахир, уларнинг қаноти бор, учиб кета олади. Менинг эса қанотим йўқ. Нима қилай? Шунинг учун дарахтларни кесиб, пуллаб юрибман-да. (У аррасини кўлига олиб, дарахтни кесмоқчи бўлади).

Қарға : Вой, уйғониб қолди.

Ҳакка : Энди нима қиламиз?

Майна: Вой, энди болаларим нобуд, бўлишадими? Вой, шўрим!

Булбулча : Келинлар, ёмон одамни чўқиймиз.

(Қушлар, “чаг-чаг” қилиб дарахт кесувчининг кўлини чўқийди. Унинг кўлидан арраси тушиб кетади. Қушлар қаноти билан унинг бошига ура бошлайди. Дарахт кесувчи ўзини кўли билан ҳимоя қилади. Бола келади.)

Дарахт кесувчи : Ҳа, ярамас қушлар, ҳали мени чўқиб ташламоқчимисиз? Кўлимни чўқиб, аррамни ерга тушириб юбордингиз. Ҳозир шу дарахтни кесаман-у, сизларни бошпанасиз қолдириб, боплайман. Боплайман, ҳам. (У қушларга қараб, кўлини силкитиб, дўқ қилади. Кўлига аррасини олади. Бола бир пас ҳайрон бўлиб қараб туради. Қушлар шохдан-шохга сайраб, чағиллайди.)

Бола : Ассалому алайкум, амаки! Амаки, нима қилмоқчисиз?

Дарахт кесувчи : Нима қилардим. Ўз касбимни қиламан-да. Шу дарахтни кесмоқчиман.

Бола : Ие, дарахтларни кесиш таъқиқланган-ку.

Дарахт кесувчи : Ким айтди сенга дарахт кесиш таъқиқланган деб?

Бола : Ўзим биламан , ўқитувчимиз ҳам айтган.

Дарахт кесувчи : Таъқиқланган бўлса , бордир, лекин мен кесавераман.

Бола : Бу дарахт одамларга соя бериб, уларни қуёш тиғидан асрапти. Ўзидан кислород чиқариб, чангларни ютяпти, хавони тозалапти.

Дарахт кесувчи : Мен бу дарахтни кессам, одамлар бошқасини экишади. Ана, олам гулистон.

Бола : Дарахт шохига ин қурган қушларнинг инлари бузилиб кетади, полапонлари нобуд бўлади. Уни кесманг!

Дарахт кесувчи : Қушлар билан нима ишим бор, тирранча.

Бола : Агар дарахтни кессангиз, дадамнинг телефони олиб чиқиб, сизни расмга олиб, интернетга чиқараман.

Дарахт кесувчи : Нима, нима? Қани бу ёққа кел-чи, ҳозир сенга кўрсатиб қўяман.

(Дарахт кесувчи бола томон келади, арраси қўлидан тушади.

Бола орқага тисланади, қочади, шу вақтда қушлар сўзлашади.)

Қарға: Ана у болани қувиб кетди. Келинлар, аррасини оламиз.

Ҳакка: Мана, қоп, аррани қопга соламиз. *(У қоп олиб келади.)*

Майна: Келинлар.

Булбулча: Аррани кўтарайлик. *(қушлар аррани қопга солишади.)*

Қарға : Қани, кўтардик.

(қушлар арра солинган қопни тишига тишлайди. Кўтариб учаётганда, дарахт кесувчи келиб қолади.)

Дарахт кесувчи : Нима – нима? Аррамни қушлар олиб қочяптими?

Тўхтанлар!!! Тўхтанлар, аррамни беринлар, безорилар. *(У қушларнинг ортидан чопиб кетади.)*

Ш-парда

*Ўша дарахт яшинаб турибди. Табиат қўриқчиси келади.
Дарахтга, дарахт атрофига, дарахт тагига қараб, кимнидир
ахтаради.*

Табиат қўриқчиси : Қаерда экан у жиноятчи ? Табиатга озмунча зарар келтирмаяпти. Ахир битта дарахт катта бўлиб, соя бергунча қанча йиллар ўтади. Унга эса фойда кўрса бўлади. Уни ушлаб олсам эди. *(Бола келади. Болага)* Ҳой болакай. Қўлида арраси бор одамни кўрмадингми?

Бола : Кўрдим. У шу ерда эди. Қўлида арра бор эди. Шу дарахтни кесмоқчи бўлди.

Табиат қўриқчиси : Қани, ўзи?

Бола : Мен уни расмга олиш учун дадамнинг телефони олигани уйга кетган эдим. Кетиб қолибди.

Табиат қўриқчиси: Кел, иккаламиз яшириниб, уни кузатамиз, Жиноят устида қўлга туширамиз.

Бола : Юринг *(Улар бута ортига яшириниб олади. Қўлида арра билан дарахт кесувчи келади. Қушлар учиб келиб, шохга қўнади.)*

Дарахт кесувчи : Жуда ҳолдан тойдим. *(Қушларга қараб)* - Чучварани хом санабсизлар. Сиз шохда юрсангиз, мен баргида юраман, баргида. Нима ўша қуриган дарахтни кесиб, буни қолдиради деб ўйлаяпсизми? Йўқ. Аввал шу дарахтни кесаман.

*(У аррасини намойишкорона кўтариб, дарахтга яқинлашади.
Қушлар чагиллайди. Дарахт титрайди. Дарахт кесувчи аррасини
дарахт танасига олиб боради.)*

Дарахт кесувчи : Мана бўлмаса.

(Шу вақт табиат қўриқчиси ва бола бута ортидан чиқади.)

Табиат қўриқчиси : Тўхтанг! Аррангизни ташланг:

Дарахт кесувчи : Нима? Кимсиз ўзи? Нимага менга буйруқ беряпсиз?

Бола : *Айтдим-ку , амаки, дарахтларни кесиш таъқиқланган. (У дарахт кесувчини аррани дарахт танасига тақаган жойида телефонга расмга олади. Дарахт кесувчи унга ташланади).*

Дарахт кесувчи: Расмни ўчир, тезда ўчир.

Табиат кўриқчиси: Расм ўчирилмайди. Аррангизни ташланг!

Дарахт кесувчи: Хў-ўп. *(Аррани ташлайди. Ичида)* Бошқа кун келаман энди *(қушлар чагиллайди)*

Табиат кўриқчиси: Мана бу баённомага қўл қўйинг.

Дарахт кесувчи: Бу нима?

Табиат кўриқчиси: Бу нариги кўчадаги дарахтни кесганингиз тўғрисида баённома. Ушбу дарахтни кесмоқчи бўлганингиз тўғрисида ҳам баённома тузилади.

Дарахт кесувчи: Нариги кўчадаги дарахтни мен кесмаганман. Бу дарахтни ҳам кесмоқи эмасман.

Табиат кўриқчиси: Сиз шу аррангиз билан дархатни кесмоқчисиз. *(қушлар чагиллайди)* Ана қушлар ҳам дастингиздан “дод” деяпти. Дарахтни кесганингизда уларга зиён етарди, инлари бузиларди, болалари ўлиб қоларди.

Дарахт кесувчи: Айбимни тушундим. Мени кечиринг. Энди нима қиламан? Айбимни қандай юваман?

Табиат кўриқчиси: Миллион-миллион жарима тўлайсиз. Чунки табиатга етказган зарарнинг ўрни жуда секин қопланади.

Дарахт кесувчи: Илтимос, шу баённомани йиртиб ташланг, энди бундай иш қилмайман. Дарахт кесмайман. Жон, биродар. Илтимос. *(ичида)* У ёғини ўзим биламан.

Табиат кўриқчиси: Бу баённомаларга қўл қўймасангиз, Сизни ҳибсга оламан.

Дарахт кесувчи: Бошқа иложи йўқми?

Табиат кўриқчиси: Бошқа иложи йўқ.

(Дарахт кесувчи табиат кўриқчиси тузган баённомага қўл қўяди).

Бола: Энди ҳеч қачон дарахтларни кесманг.

Дарахт кесувчи: Энди ҳеч қачон дарахтларни кесмайман. Дарахт кессам, миллион-миллион жарима тўлатишар экан. (*Дарахт кесувчи Табиат қўриқчиси ва Бола кетади. Қушлар сўзлашади*).

Қарға : Хайрият, табиат қўриқчиси келиб қолди.

Ҳакка : У дарахтимизни сақлаб қолди.

Майна : Бизнинг ташвишимизни қилган болакайга ҳам раҳмат.

Булбулча: Энди дарахтимиз янада гуркираб ўсади. Унинг бағрида биз бахтиёр яшаймиз.

Қуйлайди : Бойчечагим бойланди,

Қозон тўла айрондир.

Айронингдан бермасанг,

Қозон- товоғинг вайрондир.

“Қарға, Ҳакка, Майна сайрайди. Кейин улар тўхтаганда, булбул жўшиб-жўшиб сайрайди”.

(Парда ётилади.)